Ислом жамиятидаги дастлабки шифохоналар сифатида пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам даврларидаёк пайдо бўлган кўчма касалхоналарни кайд этиш жоиз. Бу касалхоналар мусулмон кўшини билан биргаликда кўчиб юрарди. Ушбу анъана Ислом тамаддунининг бутун тарихи давомида сакланиб колди.

Хижратнинг 706 йилида Дамашкда уммавийлар халифаси Ал-Валид томонидан курилган биринчи тўлаконли шифохона вужудга келгунга кадар бир неча ўн йиллар ўтди. Бу шифохонада турли касалликларга чалинган беморлар (жумладан кўзи ожизлар ва хатто моховлар хам) даволаниши мумкин эди. Ушбу дастлабки шифохонанинг жихозлари, ходимлари ва ундаги ишнинг ташкил этилиши келажакда юзага келадиган шифохоналар учун намуна бўлиб колди.
Шунингдек, Багдодда хам Хорун ар-Рашид ва ал-Мансур томонидан шифохоналар курилди. Кохирада биринчи шифохона 872 йилда Фустатда, шахар волийси Ибн Тулун даврида таъсис этилди.
XII асрга келиб, шифохоналар илгор илм-фанни ривожлантириш муассасаларига айландилар. 1156 йилда Нуруддин Занги томонидан барпо этилган ан-Нурий шифохонаси бунга мисол бўла олади. Шифохонада беморлар яхшилаб даволанар, шунингдек, сифатли ва тўйимли овкатлар билан парваришланар эди. Бундан ташкари, шифохонада таълим олишни истовчилар учун катта кутубхона хам бор эди.

Султон Коловун Мансур Кохирада Дюрант томонидан тавсифланган, ўша даврнинг энг улкан шифохонасини куради.
Тўртбурчак шаклдаги бу улкан тиббиёт иншоотининг ховлисида тўртта мухташам бино кад ростлаган бўлиб, теварак-атрофни фавворалар ва арикчалар салкинлатиб турган. Шифохонада турли касаллик учун алохида бўлимлар, тузалаётган беморлар учун алохида хоналар, шунингдек, лаборатория, лазарет, амбулатория, пархез таомлар ошхонаси, хаммомлар, кутубхона, маърузалар зали бўлган, бундан ташкари, шифохонада рухий хасталар учун энг кулай яшаш шарт-шароитлари мухайё килинган. Даволаниш эркагу аёл, бою камбагал, куллару хурлар учун бепул бўлган. Колаверса, тузалаётган беморларга йўл хаки тўланган, шу туфайли эндигина согайиб, уйига кайган кишилар тезда ишга чикишга мажбур бўлмаган. Кўзи ожиз беморлар учун майин мусика чалиниб турган, бадиий сўз усталари уларга тарих китобларини ўкиб берганлар.